

Хоразм вилояти педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
ИНСТИТУТИ

Жисмоний тарбия ва амалий фанлар таълими  
кафедраси

Халқ ҳунармандчилиқ турларидан зардўзлик  
тарихини ўрганиш  
(методик тавсия )



Урганч - 2013 йил

Муаллиф: С. Қазақова – кафедранинг катта ўқитувчиси

Такризчилар: Д. Махмудова – кафедра ўқитувчиси

З. Палвонова - Урганч шаҳар 19-сон мактаб

меҳнат фани ўқитувчиси

Ушбу методик тавсия «Жисмоний тарбия ва амалий фанлар таълими» кафедрасининг 2013 йил 21 июндаги йиғилишида (6-сонли баённомаси ) кўриб чиқилди ва институт илмий кенгашининг 2013 йил \_\_\_\_ июндаги йиғилишида тасдиқланди (2-сонли баённома )

## Зардўзлик санъатининг ривожланиши

Зардўзлик — хунармандчиликнинг қадимий турларидан бири зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча зар (тилла), дўзи (тикмоқ) сўзини англатади. Зардўзлик санъати узоқ тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Вавильон бўлиб, у Рим империясига қарашли бўлгач, зар, ипак ва жун ип қўшиб тикилган ранг-баранг каштачилиги билан бутун дунёга машҳур бўлган. Византияда зардўзи кийим-кечакларни фақат император аёллари, аслзодалар кийишган. Византия билан мунтазам маданият ҳамда сиёсий ҳамкорлик қилиши туфайли зардўзлик санъати Эрон подшолиги саройида ҳам ривож топган. Эронда зардўзлик санъатининг ривожланганлигига XV—XVII асрда ишланган зардўзлик намуналари мисол бўла олади. Византиядан Қадимги Русияга ҳам зардўзлик санъати кириб келди. Кичик Осиё доирасида зардўзлик XIII ва XV асрларда ҳам ривожланди. Хуллас Византия қаерга таъсирини ўтказган бўлса ўша ерда зардўзлик ривожланган.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан I—II асрларда зарбоф кийимлар, бадий буюмлар кенг тарқалган. 1947 йили Тошкент вилоятининг Вревский қишлоғида ўтказилган археологик топилмада аёл қабридан I—II асрларга тегишли зарбоф кийимлар топилган. Абдураззоқ Самарқандий «Ҳиндистон сафарномаси» асарида 1442 йили Шохрух замонида Шимолий Ҳиндистон билан Ҳирот ўртасида турган элчиларнинг совғалари орасида зарбоп кийимлар бўлганлигини айтиб ўтган. 1465 йили «Ашратхона» мақбараси ҳақидаги ҳужжатларда зарбоп кийимлар ҳақида баён этиб ўтган. Ҳиротда яшаб ижод этган Васфий ўзининг рисолаларида зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида баён этган. XVII асрда яшаган Самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган, у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан. XIX—XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаби яратилган. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда зардўзлик мактаблари очилган. Қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан амир саройидагилар, шаҳар бойлари учун тикилган. Юзлаб қўли гул усталар ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлаган. Бу усталарнинг кўпчилиги ота-бобосидан мерос бўлган касби сарой аҳллари учун камзул, чакмон, чалвор, пойафзал, белбоғ, салла, кулоқ ва жул тикишдир. Бу кийимлар хон буюртмаси ёки яқинлари томонидан биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан тайёрлаш буюрилади. Ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан бирортаси ҳам юқорида айтиб ўтилган кийимлардан ҳеч бирини ўзига буюртиришга ҳақи йўқ эди, улар зарбоп кийимларни амир совға қилгандагина кийишлари мумкин эди. Аёллар ва болаларнинг зардўзи кийимлари фақат бадавлат хонадонларнинг анъаналаридагина кийилган, кийимларни улар биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган. Бой хонадонларнинг 8—10 ёшдан катта бўлмаган ўғил болаларига суннат тўйи муносабати билан зарбоп тўн

кийдиришган». XIX—XX аср бошларида Бухорода хукмронлик қилган манғитларнинг охириги сулоласига тааллуқли зарбоп кийимлар ягона ёдгорликлари нусхаси ҳисобланади. 1800—1826 йилларда Ҳайдархон подшо замонасида ишланган зардўзи махси (1810 йилда ишланган) сақланиб қолган. 1827—1860 йилларда Амир Насруллохондан жуда кўп зарбоп кийимлар сақланиб қолган. 1895 йилдан 1911 йилгача хукмронлик қилган Абдулахадхонга мансуб жуда кўп зардўзлик кийимлар кўп сақланиб, ўша давр зардўзлик санъати гуллаб яшнаган давр ҳисобланади. Ўрта Осиёда зардўзлар бошқа ҳунармандчилик каби махсус ташкилотга уюшган эди. Ўша вақтда Бухорода 350 га яқин зардўз усталар бўлган. Улар устидан назорат қилиб турадиган махсус ташкилот бўлган. Цех уставига ўхшаш рисоалари бўлиб, у диний расм-русумларга ҳамда урф-одатларга амал қилишни талаб этар эди. Зардўзларнинг кўпчилиги теварак-атрофдаги гузарларга яқин жойларда яшар эдилар. Шаҳарларда бозорбоп буюмлар тайёрлайдиган устахоналарнинг катта қисми айнан гузарда жойлашган эди. Махсус ташкил этилган ташкилотга амирнинг сарой усталаридан ташқари ёлланиб ишлайдиган ' хусусий усталар — халфалар ҳам кирар эди.

Ташкилот уюшмасининг бошлиғи энг ҳурматли ва тажрибали уста — оқсоқол ёки бобо бўлган. У расмий равишда сайланмай, бобо диний-ахлоқий масалаларни ҳамда усталарнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борар эди. Агарда бобо бўлмаган ҳолда оқсоқол унинг ўрнини босиб турар эди. Оқсоқол Амир саройи билан амирлик маъмурияти ўртасидаги ташкилотнинг расмий вакили ҳисобланган. У йирик буюртмалар олишда ва тақсимлашда, уста, халфа, шогирд ўртасидаги низоларни ҳал қилишда, бозордан чакана устахоналардан белбоғ, аёллар беаги, рўмол ва ҳоказоларни сотиб олишда хизмат қилган. Амирнинг бош амалдори зарур буюмлар рўйхатини қушбегидан оқсоқолга берган. Оқсоқол яқка ҳолда ишлайдиган усталардан буюм нархини келишиб олган ва буюртма рўйхатидаги нарсаларни олиб қушбегига кўрсатган. Кейин эса оқсоқол усталарни рози қилган. Оқсоқол бундан ташқари уюшма аъзоларининг турмуши билан чамбарчас боғланган бўлган. Оқсоқол уюшма аъзоларининг оиласида чақалоқ туғилса, тўй ва маросимларда нечта одам айтиш, нималар керак бўлишини, қанча тўёна қилиш ва бошқаларни ҳамда мана шу маросимларга бошидан охиригача бошқош бўлган. Оқсоқолга алоҳида маош ажратилмай сарой топшириқларини бажаргани, ҳар хил хизматлари учун, тўй ва маросимларда чопонлар кийгизишган, пул ва совғалар тақдим қилишган. Оқсоқолга пойкор, яъни ёрдамчи тайинланар эди, у ёш усталардан сайланиб, унга ҳам маош ажратилмас эди. Пойкорга уюшма аъзолари тўй, ўлим, ҳовли тўйи ва бошқа маъракаларда арзон матодан тикилган чопон инъом этар эдилар. Бухоро амирининг шаҳардан ташқаридаги Ситораи Моҳи-Хоса ҳамда Ширбудун саройларида ҳар йили бозор сайли бўлиб, унда халқ амалий санъати турларидан кулолчилик, мисгарлик, кандакорлик, пичоқчилик, дўппидўзлик ва бошқалар қатори зардўзлик буюмлари ҳам ташкил этилар эди. Ширбудунда тўрт-олти ҳафта, Ситораи Моҳи-Хосада икки ҳафтача давом этади. Бу сайл ҳар йили халқнинг анъанавий байрами ҳисобланиб

ҳукумат томонидан қонунлаштирилган эди. Нарсаларни сотишга қулай бўлиши учун вақтинчалик расталар қурилар, буларнинг ҳаммасини уюштиришга усталарнинг оқсоқоли раҳбарлик қиларди. Бундай сайлларнинг бўлиб туриши халқ амалий санъатининг ривожланишига катта қисса қўшган. Феодализм даврида ҳамма ҳунарлар каби зардўзлик муқаддас ҳисобланган. Чунки ҳар ҳунарга, касбга бўлган ҳурмат шунчалик бўлганки усталар ҳар бир қилган ишларини дил виждони билан бажарган. Усталарнинг айтишича энг биринчи уста зардўз, энг биринчи устоз, ғойибона ҳомий ҳамда пир Ҳазрати Юсуф бўлган дейишади. Шу ҳақда кичкина рисолача бўлиб унда зардўзлик касбининг пайдо бўлиши, уни ўрганиш қонун-қоидалари, ишдан олдин ўқиладиган дуолар зардўзлик касбининг ҳомийси «Арвоҳи пир»га сиғиниш узоқ вақтгача давом этган. «Гулисурх» айёмида, яъни илк баҳор кунларида зардўзлар Бухоро яқинидаги Баҳоваддин қишлоғига келиб кўй сўйиб худойилар қилишган. Пирзодалар арвоҳига бағишлаб ҳафтанинг пайшанба, якшанба кунлари барча зардўзлар тўпланишган. Қироатхонлик дастурхон устида бўлиб, рисолачи зардўзликни келиб чиқиш қонун қоидалари ва ўқиладиган дуоларини тушунтириб беришган. Рисолачига қироатдан сўнг кишилар назир ниёз берганлар. Бу эса уларни зардўзлик касбига бўлган ҳурматини янада оширган. Бухорода сарой зардўзлик устахоналари бўлиб улар арқда, подшоҳлик биноларида, олий давлат амалдорларнинг ҳовлиларида жойлашган бўлиб, амир хазинаси томонидан таъминланиб турилган. 1860—1885 йилда саройда битта, 1885—1911 йилларда иккита устахона бўлган. Биринчи устахона давлатнинг бош Вазири қушбегининг подшоҳлик уйида, иккинчиси амирнинг молия ҳамда солиқ ишларини юритувчи закотчининг уйида эди. Қози Калон Бадриддиннинг уйида ҳам зардўзлик устахонаси бор эди. Унга подшоҳ руҳсат бериб, сарой устахоналари даражасида ҳуқуққа эга эди. Қози Бадриддиннинг уй устахонасида амирнинг махсус руҳсатномаси билан ҳар хил совға-салом тайёрланар 1894 йили амир Абдулаҳаднинг Карманага бутунлай кўчиб ўтиши, сарой устахонаси фаолиятини тўхтатди. Сарой буюртмаларини аввал хусусий усталар тайёрлаб берар эдилар. Кейинчалик эса Чорбоғигул саройи қошидаги устахонада бажарилди. 1915 йили Олимхон даврида Бухорода Қушбеги Мирзо Урганжийнинг уйида подшоҳлик устахонаси ташкил этилган. Бу устахона қушбеги ихтиёрида бўлган. Унда ишнинг кўп-камлигидан қатъи назар 20 тадан 40 тагача усталар ишлаган. Устахонага устакор бошчилик қилган. Устакор тажрибали, малакали тарҳкашлардан (яъни нақш чизувчи уста) қушбеги томонидан сайланган. Булардан бири гул тикиш санъатида қоравулбеги, Салим устакорлик лавозимида ишлаган. Кейинчалик Шоиддин ва Абдушукур тарҳкаш бўлган. Улар зардўзларга иш берган, буюртмаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда ишни сифатли чиқишини назорат қилган. Устакор барқут, шойи, ип ва бошқа хом-ашёларни тарқатиб турган. Фақат устакор калобатунни, яъни қимматбаҳо зар ипни қушбеги идораси ичида тайинланган

махсус мирзо калобатунчидан олган. Калобатун алоҳида жойда сақланган. Гул кесувчи усталар подшоқлик устахонасида асосий кишилардан ҳисобланар эди.

У гулбур деб номланган. Наққошлар ичидан (тархкашлар) чиққан саркорчўбадаркаш деган чамбарак ясовчи усталар гулбурлардан кейин иккинчи ўринда турган. Матога чамбарак яшаш ҳамда гул тарhini (нақш нусхасини) тушуриш энг масъулиятли иш бўлиб бу ишни ҳамма зардўзлар ҳам эплай олмаган, шунинг учун кейинчалик фақат чамбарак ёки керги яшаш билан шуғулланувчи усталар ажратилган. Сарой устахоналарида иш қизғин бўлган. Усталар азондан шомгача ишлашган. Уларга малакаларига кўра иш ҳақи берилган. Байрам кунлари оқсоқол усталарга пул ҳамда буюмлар совға қилинар эди. Усталарга ҳукумат томонидан иссиқ овқат берилар эди. Уларни махсус тахтачаларга ўйиб ёзилган «хатчўби нон» ва «хатчўби гўшт» (гўшт)га бўлар эди. Маош дам олиш куни — пайшанбада кушбеги идорасидан мирзо тузган ҳисоб-китоб бўйича берилган. Шогирдларга усталар пулнинг учдан бир қисмини берардилар. Устахонадаги озиқ-овқат бир маош ҳисобланган. Шогирдлар озиқ-овқатни ё уйларига олиб кетар эдилар ёки камбағалларга сотиб юборар эдилар. Тушган пулни бўлишиб олганлар. Усталар баъзи вақтларда кечаси ҳам қолиб ишлаганлар. Уларга бир тангадан «кори шаб» учун қўшимча ҳақ тўланган. Тезкорлик билан қилинадиган ишларни айрим ҳолларда буюртмани шартнома асосида усталар уйларига олиб бориб бажарганлар. Агарда сарой устахонасида шошилиш иш бўлган ёки зардўзлар сонини кўпайтириш мақсадида кушбеги маҳалласидан оқсоқол номига арқда ишлаш учун энг яхши усталардан бир нечтаси талаб қилинган, уста ва соҳибкорлар арқдаги ишга сафарбар қилинган. Подшоҳнинг зардўзлик устахонасидан ташқари яна хусусий устахоналари ҳам бўлиб, уларнинг сони 25 тача бўлган. 1885—1911 йиллар Бухорода зардўзлик санъати гуллаб яшнаган давр бўлган. Турли даврлардаги устахоналар тайёрлаган моллари турлича бўлган Музаффархоннинг хонлигида хусусий устахоналарга анча эркинлик берилган, подшоҳлик устахоналарида нима тикилса, ўшаларни ҳам тикишга рухсат берилган. Аҳадхон даврида сарой аъёнлари ҳамда катга амалдорлар киядиган кийимларни тикиш ман этилган. Айрим яккаҳол зардўзлар буюмларини бозорларга олиб чиқар, савдогарларга сотиб юборар эдилар. Бухородаги турли музофот ҳокимлари ҳар йили амирга анъанавий тор туғи тўқсон мукофоти билан сотиб олар эдилар. «Шариф чилёлак» лақабли уста Машариф гуллардан ташкил топган, тўнга ҳам, бошқа буюмга ҳам бирдай ишлатса бўладиган нақш композицияларини олдиндан тайёрлаб қўйган. Бир неча ойда тушириладиган гул бир-икки кунда тушурилган. Хусусий устахоналар тез-тез амир саройи буюртмаларини бажарар эдилар. Подшоҳлик устахоналари билан баравар миқдорда ўз оиласи учун нақд пул олиш ҳуқуқига эга бўлган. Зардўзлар майда-чуйда таъмирлаш қиладиган ишларни ҳам қилганлар. Улар эскирган дўппи ва аёллар пешанабанди ва бошқаларни қайтадан ремонт қилишган. Эскирган пешанабанднинг зардўзи гули авайлаб кесиб олиниб рўмолга кўчириб қўйилган. Пайдо бўлган чокларни йўқотиш мақсадида гулларнинг чеккасида кўшимча ингичка йўл тикилган. Зардўзи дўппиларини эса тез-тез тозалаб туришга тўғри келган. Яхши эзилган

ширани юмшоқлаб дўппининг кирланган жойига обдон айлантириб ишқаланиб тозаланган. Уста зар сувига ботирилган юмшоқ пахта билан зар ипларни артган. Эркаклар чопонидан аёллар куйлаги, халтача, болалар тўнчаси, дўппи, ёстиқ жилти, саллалардаги кашталардан рўмол ҳамда пешонабандларга гул тушуришда фойдаланишган. Усталар бозорга айрим ҳолларда олиб-сотарларга ҳам сотганлар. Чала битган буюм, яъни абрани ҳам сотишган. Олиб сотарлар абрадан кераклигича олиб ёки ўз оиласининг кучи билан ёки махсус шу иш билан шуғулланувчи аёлларга бериб, ишни ниҳоясига етказганлар. Олибсотарлар ўзи учун қулай шароитда усталарни керакли буюмлар билан таъминлаб турган, маълум миқдорда фойдаси билан мол берган. Ушбу йўл билан олиб сотарлар анча муддатгача усталарни ўз измида сақлашга эришган.

Эрон, Арабистон ҳамда Россиядан келтириладиган зар симларининг тўхтаб қолиши зардўзлик санъатининг ривожига путур етказди. Бу пайтда зардўзлик буюмларининг хиллари ҳам ўзгарди. Кейинчалик эса дабдабали кимхоб тўнлар ўрнига дўппи, аёлларнинг нимчалари, сумка, туфли, альбом муковалари, чойшаблар, кўзойнак ғилофлари шунингдек диван ёстиқларининг ғилофи ва бошқалар тикила бошланди. Зардўзлик санъати билан амирлик замонида фақат эркаклар шуғулланган, чунки аёл кўли тегса, зар хира тортади деб уларни бу ишга жалб қилинмас экан. 1930 йилда Ўзбекистонда рассомлар уюшмаси, унинг қошида зардўзлик артели ташкил этилиб унга тажрибали зардўзлар таклиф этилди. Дастлабки йилларда артел халқ талабларини тўлиқ қониқтира олмади. Лекин кейинчалик артел кенгайтирилиб фабрикага айлантирилди. Ишчилар ва усталар сони кундан кун ортиб борди. Ўша даврда талантли рассом Олимжон Мажидов, талантли зардўз Файзулло Ғайбулаев, Умар Ҳаётов ва бошқа усталар кўплаб шогирдлар қабул қилишган эди. Улар янги услубда тикиш, янги шакллар топиш устида ижодий изланиб, турли буюмлар тикишарди. Чунончи миллий кийимлар, уй-рўзғор буюмлари, совғалар ва махсус буюртмаларни бажаришарди. Миллий кийимлар ичида энг кенг тарқалгани зардўзи дўппилар бўлди. Жумҳуриятимизни турли чеккаларига кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир туманнинг ўзига хос кашта тикиш усули бор. Зар дўппилар фақат Бухорода тикиларди. Айниқса, хотин-қизлар паранжи ташлашидан сўнг, улар чиройли дўппилар кия бошладилар. Бухородаги зардўз усталар дўппиларнинг янги ажойиб нусхаларини яратдилар, айниқса қизлар, келинчаклар киядиган ёқут, олмосдек чарақлаган «Гулноз», «Баҳор», «Наврўз», «Дилором», «Гулбаҳор», «Дилафрўз», «Раъно», «Фестиваль», «Кўшбодом» ва «Бахт» деб номланган дўппилар тикилди) 1960 йиллардан буён хотин-қизлар оёқ кийимлари (ҳам уйда, ҳам кўчада кийиш учун мўлжалланган). туфлилар зардан (шакли уч хил) тикила бошланди. Ҳамма жойи зар билан безатилган яхлит «садбарг», орқаси ярим очик зардўзи туфли, орқаси ҳамда уч қисми очик зардўзи туфли. Зардўз буюмларга Лола, офтоб, арча, бодом, минораи калон, «Сомоний мақбараси» каби нақш ва расмлар акс эттирилди. Зардўзлик санъатининг йирик намояндаларидан бири, бухоролик зардўз уста Нўъмон Аминовдир. У Бухоро шаҳрида 1908 йил зардўзлар оиласида дунёга келди, отаси Раимжой Лажидов Бухоро амирлиги устахонасида 12 йил ишлаган эди. У Нўъмонжонга

ёшлик чоғиданоқ зардўзлик сирларини ўргата бошлади. 1920 йилгача Бухоро амирининг устахонасида 300 та эркак шуғулланар эди. Нўъмонжон аста-секин гулбурлик, рассомлик, зардўзлик сирларини эгаллай бошлади. Зардўзлик Артелда ишлаш унинг учун унча қийин бўлмади, аксинча завқли бўлди. У ерда зардўзи тўнлар, бухороча дўппилар, телпаклар тикилди. У артелда санъат даргоҳининг жонкуярларидан бири бўлиб хизмат қилди. Артел қошида мактаби ташкил этилди. Мактабни битириб чиққан ёшлар цехда ишлай бошладилар ва кейинчалик машҳур усталар бўлиб етишдилар. Масалан, Ҳалима Халилова, Зубайда Яҳёева, Зубайда Раҳматова, Мубашир Камолова, Ҳакимжон Ҳаётов ва бошқалар. Кичкина артел бориб-бориб йириклаша бошлади ва 1960 йили зардўзлик фабрикаси ташкил этилди. Нўъмонжон Аминов ўз ҳамкасблари билан 1947 йили А. Навоий номидаги опера ва балет катта театри учун ҳажми 7X27 бўлган сахна пардаси тайёрлади. В. Столяров бу парданинг эскизини чизди. Унда узунлиги 2,90 м ли еттита мажнунтол бажарилди. Ҳар бир мажнунтолнинг тепа қисмига Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг герби тикилди. Бу буюртмани бажариш анча қийин бўлди. Унда 45 та уста тинимсиз ишлади. Н. Аминовнинг кўпгина асарлари хар хил музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган. Унинг асарлари турли даврларда бажарилган бўлсада, санъаткорнинг маҳорати, изчиллиги, табиийлиги ва янги услубининг тиниқлиги билан ажралиб туради. Н. Аминовнинг ижодидаги ютуғи қотиб қолмай зар тикиш хилларининг турли қирраларини излаб шу соҳада янгиликлар яратди. Тошкентдаги халқ амалий санъати музейи даги «Гўри Амир» тасвири жуда чиройли ва таъсирчан чиққан Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишланган эди. Бу асарда услуб ҳамда ижро санъатининг изчиллигини кўрамиз. Бу асарда композиция жуда содда ҳамда тушунарли чиққан бўлиб, унда анчадан бери унутилиб кетилаётган ислимий нақшни қўллаб, ажойиб рангли бир асар яратди. Талантли уста ўз асарларида санъатга, ҳаётга бўлган меҳрини ифодалашга интилди. У ёшларга халқ амалий санъатининг ноёб хазинасини чин юракдан ўргатди ва зардўзлик санъатини ривожлантирди.



Зардўзлик санъати намуналари



## Зардўзлик учун зарурий хом ашё

Зардўзликда маҳаллий жайдари ва четдан келтирилган материаллар ишлатилади. Эркаклар чопони бахмал бершим деган барқутлардан тикилган. Бахмал бершим четдан келтирилган барқутларнинг аъло нави ҳисобланиб тўнлар учун фақат шу барқутдан фойдаланилган. Рус барқути, яъни бахмали фаранж ҳам кенг истеъмол қилинган. Бу барқут Россия орқали Ғарбий Европадан келтирилгани учун бахмали зағрониш деб юритилган. Русча зағраничий сўзидан олинган. Бу барқутларнинг йўл-йўл, катак-катак, сидирға, босма гулли навлари бўлган. Одамлар шўх гулли барқутларни кўпроқ харид қилганлар. Айниқса, қизил бинафша, яшил ва кўк рангли барқутлар одамларга ёққан. Бинафша ва қизил рангдаги ғоят текис барқутлар болалар ва аёллар кийими учун жуда мос бўлган. Силлик, ярим ипак барқут, яъни бахмали муси чопондан ташқари барча буюмлар учун кенг қўлланилган. Бундан ташқари Бухоро бахмали жайдари бахмал бўлиб, у кўп ишлатилган. Унинг тўқ яшил ҳамда тўқ қизиллари пойафзал тикишларда қўлланилган. Зардўзликда барқутдан ташқари сурп, мовут, шойи, атлас, дока, жайдари алача ҳамда теридан фойдаланилган. Атлас буюмларга зардан гуллар тикилган. Атлас зарга чидамсиз ва тез ситилиб кетган. Гулли ҳамда сидирға атласдан белбоғлар ва рўмоллар тикилган. Шойи газламадан аёллар устки кийимлари рўмол ва белбоғлар тикилади. Айниқса силлик ёки доки ханжарий номи билан юритилган. Сурп барқутга қараганда жуда кўп ишлатилган. Эркаклар устки кийимларини Ҳиндистондан олиб келинган мовутдан тикишган. Унинг номи кашмири деб юритилган. Кашмиридан салла ва тўнларга зардан гуллар тикилган. Ундан фақат сарой аҳлининг олий табақалари зар кашталар тикилган кийим кийишган. Жайдари мовут зардўзликда ишлатилмай, ярим шойи жайдари алача газмолидан зардўзликда сўзана, такапўш, жойнамоз, лўла болиш жилдлари ва бошқа нарсалар тикилган. Алача газмолидан аёллар ҳамда болалар кийими тикилган, лекин эркаклар чопони кам тикилган. Сидирға турли-туман алачалар зардўзликда кўп ишлатилган. Қаршилиқ уста Муллонинг алачалари шамъий алачаси энг яхши газмол ҳисобланган. Теридан аёллар ковуши тикиб, у маҳси билан кийилган. Зардўзликда турли хил сим иплар ишлатилган. У асосий хом ашё ҳисобланиб зар ва кумуш иплар тайёрлаш тарихи узундир. Қадимдан Миср ҳамда ( Бобилда зар ва кумуш иплар тайёрлаш технологияси маълум бўлган. Дастлаб «ўрама олтин» ) деган зар симлар ишлаб чиқарилган. Ўрта Осиёда ҳам зар симлар ишлаб чиқарилган. Ўрама зар симлар дастлаб Дехли шаҳрида ишлаб чиқарилган. Ҳиндистон чет элларга жуда кўп зар симлар чиқарган. Бундан ташқари Эронда шерозий деб юритиладиган зар симлар ишлаб чиқарилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорога у зар симлар фақат Москвадан, кейинчалик эса Англиядан келтирилган. XVII аср бошларигача Россияга Шарқдан зар симлар келтирилган. Ўша даврда Москвада подшо саройида немис усталари ёрдамида зар ва кумуш симлар ишлаб чиқарилар эди. Ўндан ортиқ турли хил зар ва кумуш симлар Бухоро бозорларида сотилар эди. Ўша вақтда калобатун деган зар тола

машхур эди. У момиқ бўлиб, гоҳ зар, гоҳ кумуш ип ўрнида қўлланилади. Тилла калобатунни тайёрлашда сим ипга тилла суви юргизилган. Калобатунда 84% ли кумуш қотишмаси қўлланилган. Унинг асосини ташкил этувчи ипак ипнинг ранги ҳар хил бўлган. XIX асрнинг 30—70-йилларида тикилган буюмларда калобатуннинг асоси товланувчан сариқ тилла ранг ип, 80-йилларда тўқ сариқ ипак ип 90-йилларда эса тўқ сариқ тус шойи ип билан тилла ранг ип қўшиб тикиладиган бўлган. 1900-йиллардан сўнг алвон тусли ипни тўқ жигарранг ва оч жигарранг иплар билан қўшиб ишлатишган, XX асрнинг 10-йилларида яна тўқ сариқ тусдаги иплар ишлатила бошланди. Бу ип билан эркак, аёлларнинг бош кийимлари тикилган. Калобатун билан сим бухоролик зардўзлар учун асосий хом ашё ҳисобланган. XIX асрдан бошлаб шу давргача барча буюмларда калобатун учрайди. Бу нав дастлаб Бухородан олиб келтирилган. Калобатуннинг ҳар хили: масалан, «як рахи ўруси ҳали баланд», «калобатуни жингила» ва бошқалар. *Як рахи ўруси х, али* баланд-обдон тилла суви югуртирилган бир йўлли рус калобатуни бўлиб, бу ип зардўзликда жуда кенг ишлатилган. У тилла суви юргизилган соф кумуш симни алвон тусли ипак ипга қўшиб йигирилган. Калобатуни жингила — яъни *жингалак рус зар ипи* деб аталади. Зардўзликда жуда кенг фойдаланилади. У йўғон бўлиб, тилла суви юргизилган соф кумуш симни алвон тусли ипак ипга қўшиб йигирилган бўлади. Шерози ўруси ду тоба — яъни шерози ўруси қўштаноб деб аталади. Бу ип тилла суви югуртирилган юқори нав кумуш толадан қилинган. Зардўзликда жуда кенг ишлатилади. Зардўзликда *ликкак* деган зар ип ҳам ишлатилган. У шойи ип қўшилмаган пишиқ йигирилган ингичка симдан иборат. Бухоро усталари ликкакни онда сонда ишлатганлар. Зардўзликда зар иплардан ташқари жайдари рангдор иплардан ҳам фойдаланилган. Улар гулларга қўшимча оро беришда ва матога зар йўл туширишда ишлатилган. Бу ишларда сариқ, тўқ сариқ, қизғиш-сариқ, жигарранг, айрим ҳоллардагина бошқа рангдор оқ ипак иплар ишлатилган.

**Бершими тиллоий чор тор** — у тўрт йўлли зар ип ва энг яхши сифатли ипак ип. Бу ҳар бир ипак ипни иккига бўлиб, иккита қилиб эшилган. Оқ ипак ипдан кумушранг гуллар тикиш учун ишлатилган. Респони печак-40. 40-ғалтак ип — XIX асрнинг 90-йиллари бошида пайдо бўлган бўлиб, зардўзликда кенг ишлатиладиган хом ашё. Унинг ранг товланиши худди ипакдаги сингари бўлиб, фақат унга қизил ҳамда тўқ қизил ранглар ҳам қўшилган. Мана шу ғалтак ип кейинчалик ўта қимматбаҳо зардўзлик буюмларида ишлатиладиган ипак ўрнини эгаллаган. Айрим пайтларда битта буюмнинг ўзида ҳам у, ҳам бу ип ишлатилган. Зардўзликда яна пулакча, олмос куббалар, зарҳал пўғалар ва бошқалар ишлатилган.

**Пулакча** — зардўзликда ишлатиладиган кичкина тангача. Майда оқ, сариқ, қизил ва бошқа рангларда бўлади, буюмга қадаш учун ўртасидан тешикча қилинган металл пистонча.


**Олмос цуббалар** — зардўзликда ишлатиладиган турли нав олтиндан зардўзларнинг ўзлари ясаган заргарлик тақинчоқларига ўхшаб кетувчи бўртма нақшлар ҳамда қимматбаҳо тошлар.

**Эархал пўғалар** — маҳаллий заргарлар ишлаган, одатда қора сир ва феруза билан безатилган, нафис гул накши тушурилган бўлади.

### **Зардўзлик учун асбоб-ускуналар**

Ҳар бир касбда ўзига хос асбоб-ускуналар бўлади. Зардўзликда асбоб-ускуналар унча кўп бўлмасда ўзига хос томонларига ва тузилишига эга. Уларни бирма-бир характерлаб ўтамыз.

**Чамбарак** — корчўб, унинг тўн, жун ҳамда майда-чуйда буюмлар учун мўлжалланган уч тури мавжуд. Улар катта-кичиклиги билан бир-биридан фарқланади. Корчўб узунлиги 320 сантиметргача бўлган икки тенг ёнли силлиқ ёғоч дастадан иборат бўлиб, учида жойлашган ҳаракатланувчи шамширак ёрдамида чамбаракни хоҳлаган катталиқка келтириш мумкин. Чамбарак бўздан қилинган кериш (тавар) тортилади ҳамда у тикиб тайёр бўлган буюм билан бирга чиқариб олинади. Зардўзлар кўрпачада чордона ҳолда ўтириб ишлаганлар. Зардўзликда қадимдан патила деган асбоб ишлатилади. Патила оддий ёғочдан чоррах (тўрт қиррали) ва нафис қилиб тарашланган, ичини ковлаб кўрғошин куйиб вазминлаштирилган бўлади. Унга тўрт қават қилиб зар ўралади. Кейин махсус картондан кесилган гуллар устидан тикиб чиқилади. Бундай патилалар ипни зич қилиб ўрашни таъминлаган, Зардўзликда ангишвона ҳам ишлатилади.



**Ангишвона** — форсча, ангушт, яъни бармоқ, вона сақловчи деган маънони билдиради. Ёстиқ, кўрпа тикишда қўлга игна кириб кетмаслиги учун бармоққа кийиладиган металл ғилоф. Ангишвонанинг устки ва ёни игнани кети қадаладиган, яъни нина тойиб кетмаслиги учун чуқурчалардан иборат бўлади. Қадимда металл кам бўлганлиги учун чармдан ҳам тайёрланган. Зардўзликда икки хил ангишвонадан фойдаланилади. Биринчиси фабрика ангишвонаси бўлади, уни ўрта бармоққа иккинчиси тагсиз, қалин чармдан ясалгани чап қўлнинг учта бармоғига тақилиб ишланади. Чармли ангишвонани фабрикада металлдан ишлангани ҳам бўлади.

**Игна** — зардўзликда чатиш-тикиш учун ишлатиладиган ўртача катталиқдаги игна.

**Қайчи шутургардан** — зардўзликда ишлатиладиган қайчи тури бўлиб, у туя бўйин қайчи деган маънони беради. Яъни туя бўйнига ўхшаш қайчи бўлиб гул қирқишда ишлатилади. Зардўзликда оддий қайчилар ҳам ишлатилади.



### **Зардўзликда зар тикиш усуллари**

Зардўзликда 30 хил классик тикиш усуллари мавжуд. Бу усуллар ўзига хос томонларининг номлари билан бир-биридан фарқ қилади. Н. Аминов ўзининг «Биз зардўзлармиз» рисоласида зардўзлик сирлари, зар тикиш хиллари ва усуллари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтган. Зардўзлик умуман иккига бўлинади, биринчиси — заминдўзи, иккинчиси — гулдўзи.

**Заминдўзи** — бунда зар тикилаётган кийим ёки кийим гулнақшининг замини ёппасига зар билан тикилади. Заминдўзи сидди устига тикилиб, сидди жайдари ипакдан тайёрланади. Биринчи навбатда ип 4 ёки 5 қават қилиб, кейин эса икки қават қилиб эшилади. Шу ҳосил бўлган ингичка шнурни зардўзликда *сидди* деб юритилади. Зардўзликда тикилиш, жойининг юзаси катта ёки кичиклигига қараб, ўлчамга мослаб станокда сиддилар сариқ бўз устига саккиз, йигирма, йигирма тўрт қатор қилиб тортилади. Сиддилар аниқ ҳисоб билан тикилиб улар санаб тикилади ҳамда уларнинг сони мўлжалдагидан ортиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, мавж ёки нусхалар бузилади. Заминдузида мавжи як рўя ва мавжи дурўя қисмлари бор. Заминдўзи қадимда қимматбаҳо тўнларда ишлатилган бўлиб ҳозир зардўзи дўппиларнинг жиягидагина қўлланиб келинади.

**Гулдўзи** — бунда тикилаётган нақшнинг таги оқиқ қолиб фақат гул нақшларининг ўзи зар билан тикилади. Гулдўзи тикиш усули ўзига хос бўлиб

бу куйидаги босқичда бажарилади. Наққош томонидан нақш чизилади. Нақш нусхаси қалин қоғоз, картон ёки теридан қирқиб андазаси тайёрланади. Сидирға бахмал матога қадаб чиқилади, яъни омонат тикиб чиқилади ёки елимланади. Картон нусхани зар ип билан қоплаб тикиб чиқилади. Бироз бўртма нақш гул ҳосил бўлади. Энди зардўзликда зар тикиш хиллари ҳамда усуллари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Бу айтиб ўтиладиган тикиш хилларининг кўпчилиги зардўзликда қўлланиляпти. Айримлари деярли қўлланилмаяпти. Бу тикиш хиллари кам қўллансада лекин унинг ишлатиш соҳасини топса бўлади. Бу усулларнинг йўқ бўлиб, унутилиб кетаётгани кишини ачинтиради. Қадимдан қўлланилиб келинган тикиш усулларидан ёш авлод фойдаланса, халқ яратган анъанавий, нодир услубларни асраб қолган бўлур эдик.

**Як ра мавж, як ра чашми булбул** — бу тикиш усулида мавжи як рўя билан чашми булбул қўшиб тикилиб, бир йўли мавж ҳамда бир йўли чашми булбул ҳосил қилинган учун уни шу ном билан юритилади. Бу усул зардўзларни шу санъатга ижодий ёндошиши туфайли юзага келган.

**Чашми булбул** — булбулнинг кўзи дегани. У шахмат хоналарига ўхшаб кетиб тўртбурчак нақшлар ажойиб мавжланиб туради. Нақшлар сидди билан санаб тикилади. Худди бошқа заминдўзидагидек тикилади. Товус, хуршид каби қадимги бухороча дўппилар гир айланасининг тепа қисмига «обипонча» ишлатилган. У картондан кесиб, заминдўзи устига тўрт қават кумуш зар билан тикиб чиқилади.

**Мавжи чеги** — **мавжи оча-бача** деб ҳам юритилади. Заминдўзининг бир тури бўлиб, ўзига хос тикилади. Чунончи сиддилар тўрт ва иккитадан санаб тикилади. Натижада катта ва кичик мавжлар ҳосил бўлади. Зардўзлар катта мавжни — оча, она деб юритсалар, кичигини эса бача, яъни бола деб юритадилар.

**Мавжи ду рўя** — икки томонлама мавж, заминдўзининг қисмларидан бири бўлиб, энги шабадада дарёнинг мавж уриб турганлигини эслатади. Шунинг учун мавжи ду рўя деб аталади. Оби лўла деб аталадиган ип ишлатилади. У зардўзликда ип сиддилардан йўғонроқ бўлиб, жайдари ипдан йигирма-йигирма беш қават қилиб, қаттиқ эшилади. Чегара мисол сиддиларнинг ҳар икки четига тортилади. Оби лўла замин дўзининг четлари чиройли чиқиши учун ишлатилиб, заминдўзи энининг кенглигига қараб сиддилар сони кўпайтирилади. Лекин оби лўла икки қаторлигича қолаверади.

**Мавжи якўя** бир томонлама мавж, заминдўзининг қисмларидан бири бўлиб, у дарё мавжига ўхшаш бўлади. Шунинг учун мавжи як рўя деб аталади.

**Сочмадўзи** — икки қават зар ва бир қават майин ипак билан бирга қўшиб эшилади ҳамда лола, себарга, барга гуллар, шакарак каби тикилади. Ҳар гал сочма тикилганда зар билан ипак биргаликда албатта ўртага қилиб эшилиши лозим. ( Бу усул гулларга тириклик мавжини беради. У катта намоёнларда ишлатилса, ажойиб манзаралар ҳосил бўлади. Бу тикилган гуллар қуёш нурида товланган гулзорни эслатади.

**Кубби апмоси** — сариқ бўз устига тикиладиган кубба бўлиб, унинг гуллари олти баргли, саккиз баргли бўлиши мумкин. Қадимда куббаларни латунъ зар ипда тикилган ҳозирда эса зар мишура билан тикилади. Чунки латунъ зар иплар йўқ. Қуйидаги барглар тикилади ва бўш қолган оралари ўртага эшилган икки қават зар билан таҳрир тикишида тўлдирилади. Бир хил рангли ип билан куббанинг ўртасидаги узук кўзига ўхшаш жойи тўлдирилиб тикилади. Тайёр куббани бўз устидан кесиб олиниб, гумбаз ҳосил қилиш учун унинг тагига пахта қўйилади. Уни жойига ўрнатилиб атрофи кобули тикишда шерози, яъни 8 қават зар билан тикиб чиқилади. Шундан сўнг ажойиб гумбазсимон гул ҳосил бўлади. Баъзи ҳолларда мис куббалар ва кумуш куббалар ҳам бўлади. Мис ва кумуш куббалар махсус буюртмаларга бажарилади. Улар ҳам ўзига хос кўринишга эга.



**Қандаҳори** — зар тикишнинг қадимий ва жуда чиройли усулларида бўлиб, бунда уч хил, яъни 8 бахяли, 6 бахяли ва 4 бахяли қилиб, сариқ бўз устига тикилади. Баъзи ҳолларда духоба устига ҳам тикиш мумкин, лекин духобага тикиш унча самара бермайди. Чунки духобанинг туклари зар орасидан чиқиб, маҳсулотнинг сифати бузилади. Қандаҳори тикиш тури аслида Афғонистондан келиб чиққан бўлиб, уни тикишда асосан бўздан фойдаланилади. Қандаҳорида асосан юпка матолар ишлатилган бўлса, тўрт қават зар ўраш лозим. У саккиз ёки олти қават зар билан тикиладиган хилидир. Баъзи ҳолларда қандаҳори атрофи оқ кумуш зар билан кобули қилиб тикиб чиқилади. Бу жуда чиройли нусха.

**Хишти ҳарам** — мураккаб тикиш хили бўлиб заминдўзи группасига киради. Хишти ҳарам тикиш учун уч ёки тўрт хил ипак ип ёки мулина иплар ва ҳар хил рангдаги ип учун биттадан игна лозим. Тикишда нақшларга қатъий риоя қилиш керак бўлади. Унинг умумий кўриниши кошинкорлик деворларини эслатади. Ҳар бир хишт бир-биридан яхши ажралиб туриши учун, зар ип, кўк, яшил, ҳаворанг, бинафша ранг ипак турлари ишлатилади. 1906 йилда тикишнинг усулини Аминжон Мажидов яратган.

**Шашхол**—у заминдўзи группасига кириб, тузилиши жиҳатидан чашми булбулга ўхшасада шашхолнинг чашми булбулдан энлироқ бўлиши билан ундан фарқ қилади. У қанчалик энлироқ тикилса, шунча бадий чикади.

Шашхол тикиш хили куйлак олди қисмларида, чопонларда ишлатилади. Давлат герблари ва аёллар сумкаси шу усулда тикилади. У бошқа заминдўзларга қараганда анча мураккаб бўлиб, агар игна нотўғри урилса шашхол бузилади. У ромб шакли кўринишида бўлиб ўртасида нуқталари бўлади. Шунинг учун ишхол, яъни олти хол деб номланган.

**Бозбандча** — туморча дегани. Туморча кўринишда бўлгани учун шу ном билан юритилади. Н. Аминов «Гўри Амир» панносида гумбазни пастки қисми бозбандча усулда тикилган бўлиб, ўзига хос ажойиб кўриниш берган.

**Шохчаи ду рўя** — икки ёқлама шох дегани, кейинги йилларда пайдо бўлган тикиш хилларидан бири. Тузилиши жихатидан қарасанг шохсимон нақшлар икки томонга жойлашган бўлади.

**Шохча** — заминдўзининг бир тури бўлиб, шохлар ажойиб кўринишда тасвирланиб, у дўппилар атрофига тикилади. Шохчадан баъзи бир хошияларда фойдаланиш мумкин.

**Самбўса** — у худди варақи сомсани эслатади, шунинг учун тожикча самбўса ўзбекча сомса. Шунинг учун зар тикишнинг бу турини самбўса деб юритилади. Айлана дўппиларда зар тикишнинг самбўса усули ишлатилади. Заминдўзи ўрнига оби кофта тикилади. «Кофта» тожик сўзидан олиниб ўзбекча ковланиб олинган деган маънони англатади. Оби кофта икки хил ипак билан тикиб тўлдириб ўзига хос кўринишдаги нақш тасвирини беради.

**Шакарак** — зар ип икки қават қилиб ўртага эшилиб яна икки қават қилиб эшиб тикиш усулидир. Бу эшилган зар ип билан махсус гуллар ҳамда барглар тикилади. Махсус гуллар себарга, панж барга, чаппадўзи, лолалар шакарак усулида тикилса ўзига хос нафис ҳамда гўзал чиқади. Шакарак асосан гулдўзига ўхшаб кетсада улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, шакаракда гуллар ҳамда барглар алоҳида товланиб ва жилоланиб кўринишга аниқлик киритади.

**Марғўлаи думчанок** — думли марғўла, зар тикишнинг бу усули кам ишлатилади. У аёллар рўмолига, хамкор чопонлар, ёстикчалар хошиясига зар иплар билан тикилади. Унинг икки хил шерози, яъни 8 қават эшилган зар ипда ҳамда 4—5 қаватли зар иплар билан тикиб чиқилади. **Қобули** — тикиш хили афғонлардан олинган бўлиб, шунинг учун Афғонистон пойтахтининг номи билан *қобули* деб юритилади. Айниқса афғон ва ҳинд зардўзларида қобули тикиш хили жуда кўп қўлланилган. Қобули асосан сабр, бодом, чилолак деб аталадиган гуллар қубба ҳамда заминдўзиларнинг ички томонига қўлланилади. Қобулини гул атрофларига ишлатилганида зардўзи янада бадий чиқади.

**Таҳрир** — тикиш усулини бундай деб аталишининг сабаби қўлёманинг ғализ жумлаларини узатишдек жараёни эслатишдир. У асосан гулдўзи атрофларини тўлдириш учун керак. Гул тикишда зар бўлаклари оддий ип билан илинтирилиб тикилади. У бироз бўлсада кўриниб туради, шунинг учун ҳар бир гул баргининг хошияси шерозий зар билан тикилади. Бу таҳририй тикиш гулдўзининг янада бадий чиқишига олиб келади. Агарда айрим камчилик бўлса, таҳрир ўша айбни бекитиш учун хизмат қилади.

**Тагалак** — тикишнинг бу усули кўй шохининг кўринишини эслатгани учун уни шундай номланади. У зар гуллар орасини тўлдириш учун ишлатилиши мумкин. Яна бўш жой қолдирилса, унга марғўла кўшиб тикилади. Тагалак юпқа матога тўрт ҳамда олти қават зар ип билан тикилади. Агарда духоба бўлса унга 8 қаватли тофта зар билан тикилса, нур устига аъло нур бўлади.

**Марғўла** — форсча зулф маъносини билдиради. Зардўзликда зар тикишнинг қадимий усулларида бири. Марғўла усулида олти қават зар ип билан юпқа ҳамда нозик газлама, яъни сидирға крепдешин ёки атласга тикилади. Зардўзлар кейинчалик марғўлани саккиз қават эшилган зар ипда духобага тикканлар. Буни усталаримиз саккиз қаватли тофта зар, яъни «шерози» деб юритадилар. XVIII аср охири XIX аср бошларидан шерози зар келиб чиққан. Марғўла зар ип тикиш усули аёллар пешонабандига жуда мос тушадиган тикиш туридир. Раққосаларимиз шундай пешонабандларни кийиб рақсга тушадилар. Ўзбек миллий кийимларидан бири бўлиб анъанавий равишда давом этиб келмоқда.

**Гулдўзи** — зардўзлик санъатининг энг қадимий ҳамда асосий усулларида бири, у қадимда зарбоф тўнлар тикишда қўлланиб келинган. Гулдўзи усулида картон гуллар юзаси тўрт қават қилиб ўралган зар ип билан бир текисда қопланади ҳамда зар ип матодан ўтмаганлиги сабабли картон томони оддий ипда тикилади.

**Хорак** — зар тикишнинг усули XIX аср охирларида ихтиро қилинган. У зардўзликнинг жуда кўркам турларидан бири. Хорак гулдўзи ва симдўзилар атрофига безак сифатида таҳрир ўрнида ишлатилади. Хорак тўрт-беш қават зар ип билан тикилади.

**Кунгураи седона** — унинг икки тури бўлиб, шерози духоба устига, олти қават зар ип билан юпқа матоларга тикилади. Унинг «кунгураи седонаи як рафтор» ва кунгураи седонаи ду рафтор» хиллари бор.

**Мавжи тунук** — нафис газламага асосан саллаларни тикишда қўлланилади. Ҳозир эса намоёнларда қўлланилмайпти. Масалан, Н. Аминовнинг «Салют» деб номланган намоёнига мавжи тунук тикиш тури қўлланилган.

**Мавжи ханжар** — бурчак шаклида тикиш хили бўлиб, кумуш зар билан қобули услубида учбурчак тикилади. Бурчак ўртасига тилла зарда ханжари тикиб чиқилади.

**Даббуса** — узун ҳошия, давра дўппиларда ишлатиладиган тикиш туридир. Зардўзлар икки оба зар ипда тикиб чиқилгач, уларнинг ўртаси даббуса сим билан тикиб тўлдирилиб чиқилади.

**Чордарчор** — заминдўзининг бир тури бўлиб, заминдўзи сиддилари йўғонроқ, оралари очиқроқ бўлади. Ипаклар қаттиқроқ тортиб тикилади. Унинг кўриниши чиройли қилиб терилган ғиштнинг кўринишини эслатади. У намоёнларда ишлатилади. Қадимда чопоннинг ҳошияларида ишлатилган. Чордарчор мўлжалга қараб олиниб, «тор билан саккиз-ўн сиддигача ва ундан ортиқ сидди тортиб тикилади. А. Аминовнинг «Исмоили Сомоний мақбараси» номли намоёнида чордарчор тикиш усули қўлланган.



**Пулакчадўзи** — пулакча қизил, оқ, кўк, сариқ, яшил, ҳаворанг бўлади. У Россия зардўзликига хос материал бўлиб, тожик зардўзлари бу усулда жуда устаси фаранг. Ҳозир ҳам пулакчадан кенг фойдаланиляпти.

**Ликак дўзи** — у худди жажжи пружинани эслатади, у тилла ва кумуш рангда бўлади. Кейинчалик ликакдўзи тикиш хили кенг тарқалган, зардўзликда шўх ўйноқи кўриниш беради, 5% ли кумуш ва олтин суви берилган турлари ёки мисдан қилиниб оддий усулда пардозланиши ҳам мумкин.

**Хораки тунук** — зардўзликда тикиш усули бўлиб, у крепдешин, шойи ҳамда капронга тикилади.

**Измаг** — хотин-қизларнинг айрим қимматбаҳо кўйлақларида ишлатилади. Кўйлақнинг олд ҳошияси олдига ўтқазилади ва олд қисми атрофида измаг тикиб чиқилади. Унинг ўзига хос томони шундаки, зардўзлар зарни тежаш мақсадида юзага келган усулдир. У жуда зич ҳамда нафис тикилганлигидан мато кўзга ташланиб турмайди.

### **Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси**

Зардўзликни билиш учун асосан уч ҳунарни яхши билиш керак, биринчиси — расм солиш ва нақш чизишни, иккинчиси—гул кесишни, яъни гулбур бўлишни, учинчиси — кесилган гулга зарни тика билиши керак. Агар зардўзлар буларни бирортасини билмаса учаласидан биттасига муҳтож бўлиши керак бўлади. Шунинг учун учала касбни чуқур ўрганишга тўғри келади.

Зардўз қуйидаги тартибда ишлайди. Уста ерда, кўрпача устига ўтириб корчўпда тикади. Корчўп оддий ёғоч рамкадир. Бу рамкага мато тортилиб чиқилади ҳамда бу мато устига сидирға кўк, тўқ қизил ёки бинафша рангдаги бахмал қадаб чиқилади. Уста зардўз иккита ўймоқ ангушвона ёрдамида тикиб, ўнг қўлининг бармоғига тикувчилар ишлайдиган чармдан тикилган ўймоқ кийиб тикади. Ҳаммамизга аёнки зардўзлик икки қўл билан тикилиб, зардўзлик игнаси калта ва нозик бўлиши лозим бўлади. Тилла рангли зарни қизил ҳамда сариқ иплар билан кумуш зарни оқ ип билан тикилади. Зар 4 қават қилиб патилага, яъни зар ўрайдиган чўпга ўралади. Кейин махсус картондан кесилган гуллар устидан тикиб чиқилади. «Патила» дегани оддий ёғочдан ясалган бўлиб, чоррах ва нафис қилиб тарашлаган ичи ковлаб кўрғошин қуйилган бўлади. Гулларни кесиш учун «гулбур» ишлатилади. Ахта ва хока ёрдамида картонга нақш тушурилади. Кейин эса махсус қайчи ёрдамида гулни кесиб олинади. Қадимги замонда картон бўлмагани учун қўй териси» «меш» дан қилинган гулларни кесиб тайёрлаганлар. XIX асрнинг ўрталаригача зардўзлик гуллари чармдан кесилган оқ чармни тила зар билан тикиш учун сариқ ранг билан бўяганлар ёки оқ зар билан тикишга эса шундайлигича ишлатилган. Чарм юмшоқ бўлганидан зар текис чиқмаган, шунинг устига сурп ёки дока ёпиб, темир билан уриб текисланган. Бу усул XIX аср ўрталарига қадар давом этган.

Россия шаҳарларига олиб бориб сотиладиган товарлар ичида зарбоф картон қоғозларга ўроғлик ҳолда олиб борилган. Кейинчалик картондан фойдаланганлар. Бухороликлар бу картонни «қоғоз латта» деб юритадилар. Қоғоз латта ҳозирги картонга қараганда эгилувчан ва синмасди. Ҳозир синадиган картондан фойдаланилади. Картонни юзига сариқ бўз ёпиштиришган, бу ҳолатда картон синмайди ва бир текисда чиқади. Ўша даврда картонни зардўзликда ишлатилиши катта ихтиро ҳисобланган. Картондан гул кесиш тез ва осон, иккинчидан зар билан тикиш қулай ва сифатли бўлган.

### **Зардўзлик касбини ёшларга ўргатиш тарихи**

Наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, мис ўймакорлиги, кулолчилик, этикдўзлик, заргарлик каби касблар қатори зардўзлик касби отадан болага мерос бўлиб келган. Аслида зардўз бўлган оилани ўғил фарзанди отасидан зардўзликни ўрганган. Ўз навбатида улар ўз болаларига ўргатган. Ўзида ўғли бўлмаса ўз қариндошларига ушбу касбни ўргатган. Ўта бегона болалардан бу касбнинг ўзига хос хусусиятларини сир сақлашган. Зардўзлик касби авлоддан-авлодга ўтиб келган ва ривожланган. Болаларни 10—12 ёшидан оқ зардўзлик касбига ўргата бошлашган. Айрим ҳолларда катта болаларни ҳам жалб қилишган. Ота ўғлини бирор касбни ўрганиши учун устага олиб боришдан фахрланган. Бу тантана шундан иборатки, болани ота-онаси ва қариндошлари «бўй» деган бўғирсоқ ҳамда ҳолвайтар қилиб устани олдига боришган. Бу пишириқлар уста билан бирга тановвул қилиниб, боланинг ота-онаси устага «болани гўшти сизни-ки, суяги бизники» қабилида уста ихтиёрига топширишган. Уста шогирдларига ҳунар ўргатишдан ташқари уни озиқ-овқат билан таъминлаган. Шогирдга дарҳол касб ўргатилмаган. Шогирд бир йилгача устанинг уйида ҳар хил уй юмушларига қарашган, сув ташиган, супуриб-сидирган, бозорга бориб нарсалар харид қилиб келган, тикувчиларга ёрдам бериб юрган. Бир йилдан сўнг унга оддий тикиш сирларини ўргата бошлаган. Касб ўргатиш текин бўлган, бундан ташқари уста билан ота-она ўртасида ёзма шартнома бўлмаган. Шогирдга маблағ тўлаш шарт бўлмаган, ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган.

Зардўзлик таълимини ўргатиш муддати 4 йилдан 7 йилгача бўлиб, айрим қобилиятли шогирдни 10 йилгача сақлаганлар. Уста ўзининг малакали ишчисидан айрилишни хоҳламаган. Бундай ҳолатда шогирд оқсоқолни ўртага солиб уста тезроқ рухсат беришини ёки ҳақ тўлашини талаб қилган. Шогирдининг талаби тўғри бўлса, унда оқсоқол устадан шогирдига оқ фотиҳа беришини ёки унга ҳақ тўлаш кераклигини айтган. Бу ҳақ халфаларга тўланадиган пулдан кам бўлган. Талантли ва қобилиятли шогирдлар ўртасида норозилик кайфияти бўлмаслиги учун уста шогирдларига иш олишларига қаршилиқ қилмаган, лекин уста пулнинг кўп қисмини ўзига олиб қолган.

Уста ўз шогирдини ўқиш муддати тугаганидан сўнг, уни уйига юбориш ўзига хос маросим ҳисобланган, маросимни «арвоҳи пир», «миён бандон» деб аталган, яъни касб-ҳунар ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деган маънони билдирган. Шогирд ўз уйига уста, бобо, оқсоқол пойкор

ва зардўзлик уюшма аъзоларини таклиф қилган. Устага бош-оёқ сарпо, тугун; бобо, оқсоқол, пойкорларга ҳам бирор нарса берилган. Шогирдига уста «шоҳи мардон ҳақиға белиннга белбоғ боғладим» дея оқ фотиҳа берган. Кейин уста шогирдини мустақил ишлашига рухсат берган. Шунда уста шогирдининг келажакда қийналмаслиги учун унга қайчи ва бошқа нарсалар берар эди.

Баъзи шогирдлар оқ фотиҳа олганларидан сўнг, иқтисодий томондан ночор бўлса устаникида қолиб ишлашга рухсат сўрар, уста эса унга халфа тарзида ҳақ тўлаган.

Серқуёш Ўзбекистонимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ Шарқнинг гўзал хотин-қизларига қараб уларнинг ҳақиқий санъат устида иш олиб бораётганлигидан тасанно айтади. Зардўзлик кийимлари ҳозирги кунда хотин-қизларнинг миллий кийимиға айланиб бормоқда. Нафосатға бой ўзбек хотин-қизлари чинакам меҳнат қилиб, нодир асарлар яратиб зардўзлик санъатининг хазинасига катта ҳисса қўшмоқдалар. Қадимий ва ҳамиша навқирон санъат турларидан бири бўлган зардўзлик санъатининг келажаги порлоқ. Албатта келажакда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу санъатни янада ривожлантириб инсонға эстетик завқ бағишлаймиз. Келажакда хотин-қизларимиз бошида олтиндай товланиб турган чиройли дўппилар, оёқларида мавж уриб турадиган пойафзаллар хонадонимизға файз киритишиға аминмиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С. Булатов «Ўзбек халқ амалий безак санъати» Т., «Меҳнат», 1991 йил
2. «Амалий санъат қисқача луғати» Т., Қомуслар бош таҳририяти 1992 йил
3. Т. И. Ерёменко «Сеҳрли игна» Т. «Ўқитувчи», 1990 йил
4. М. Мирзааҳмедов «Бошланғич бадиий нақш ишлаш методикаси» Т., «Ўқитувчи» 1996 йил
5. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 3-қисм Т., Давлат илмий нашриёти
6. М. А. Мақсумова «Халқ хунармандчилиги» Тошкент Низомий номли ТДПУ 2007 йил

